*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 171 (8411). ● 8 сентябрь, 1984 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида автомат роторли ва ротор-конвейерли линияларни халқ хўжалигига жорий этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, аниқлик, технология жараёнларининг барқарорлиги ва узлуксизлигига хос бўлган шундай автомат линияларнинг кенг кўламда жорий этилиши саноат ишлаб чиқаришини интенсивлаш даражасини кескин ошириш имконини беради. Меҳнат унумдорлигини анча ўстириш, ишлаб чиқариш майдонларини қисқартириш таъминланади, ходимлардан кўпчилигини бошқа ишга ўтказиш мумкин бўлади, ишловчиларнинг меҳнат шароитлари яхшиланади. Роторли ва ротор-конвейерли линиялардан фойдаланиш тажрибаси уларни қўлланиш юксак самарадорлигини ва қолиплаш, қуйиш ҳамда металл буюмлар ишлаб чиқаришда, машинасозлик, химия ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча тармоқларида уларни актив жорий этиш зарурлигини тасдиқламоқда.

Сиёсий бюро илғор техниканинг мана шу турини қўлланишнинг юксак иқтисодий ва социал самарадорлигини ҳисобга олиб СССР Госпланига, СССР Фан ва техника давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига ҳамда тегишли министрликлар ва идораларга уни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан топшириқларни ишлаб чиқишни топширди. Уни жорий этиш мамлакат илмий ва ишлаб чиқариш коллективларининг ғоят актив иштирокида амалга оширилиши керак. Партия ташкилотлари бу ишни доимий назорат қилиб боришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1985 йилнинг майида Варшава Шартномаси имзоланган куннинг ўттиз йиллиги нишонланишини ҳисобга олиб, ана шу катта сиёсий воқеа муносабати билан Совет Иттифоқида ўтказилиши мўлжалланаётган тадбирларни маъқуллади. Бунда шу нарса таъкидландики, Варшава Шартномасининг мавжудлиги социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини изчил мустаҳкамлашдан, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари ўтказаётган агрессив милитаристик сиёсатга қарши биргаликда ҳаракат қилишдан, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашдан ажралмасдир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида қардош социализм мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ташқи ва ички сиёсатига доир бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди.

# ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ҲОСИЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ КАРВОНЛАРИ



Олтин кузнинг бўёқлари сержило. Пахтакор ўлкамиз учун улар орасида энг нафиси ҳам, севимлиси ҳам — «оқ олтин»имиз ранги. Кеча Янгийўл районининг маркази — Гулбаҳор посёлкаси ана шу рангдан кумушсимон тус олиб кетди. Эрталабданоқ район марказига олиб борувчи йўлларда пахта ортилган транспорт тракторларини кўришингиз мумкин эди. Улар ранг-баранг шиорлар, қизил алвонлар билан бурканган. «Юбилей йилида Ватанга мўл ва сифатли «оқ олтин» армуғон этамиз!» деган шиорлар кўзга ташланади.

Ҳа, район пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллик юбилейини «оқ олтин»дан баракали хирмон уйиш билан кутиб олишга қатъий аҳд қилганлар. Улар эрта баҳордан шу мақсад йўлида фидокорона меҳнат қилдилар. Бепоён пахта далаларида лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталар бу меҳнатнинг самараларидир.

Янгийўлликлар уруғлик пахта йиғим-теримига ҳам биринчилар қатори киришдилар. Дастлабки кунларда терилган пахта юбилей йилининг ана шу илк карвонини ташкил этди.

Посёлка марказида қизил карвонни карнай-сурнай садолари қарши олди. Ҳа, бу кун пахтакорлар учун катта шодиёна, биринчи ҳосил байрами.

Район пахтакорларининг қизил карвонига бағишланган митингни халқ депутатлари Янгийўл район Совети ижроия комитетининг раиси А. Қодиров қисқача кириш нутқи билан очди. Район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси А. Исҳоқов доклад қилди.

— Хўжаликларимиз меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини изчил ҳаётга татбиқ этиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, — деди докладчи. — Шу туфайли далаларда юбилей йилида Ватанга 36 минг тонна Янгийўл «оқ олтин»ини тортиқ қилиш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизга яраша мўл ҳосил етиштирилди. Бугунги кунда ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг бутун ўй-фикри, диққат-эътибори ана шу ҳосилни қисқа муддатда нес-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга қаратилгандир. Кўпгина хўжаликларимизда уруғлик пахтани танлаб териш бошлаб юборилди. Бу йил биз қабул пунктларига 6 минг тоннадан кўпроқ сара уруғлик пахта етказиб берамиз.

Механик-ҳайдовчиларимиз эса куни кеча бўлиб ўтган слётларида ялпи ҳосилнинг камида 80 процентини «зангори кема»лар ёрдамида териб бериш мажбуриятини олдилар. «Интернационал», «СССР 60 йиллиги», «Ленинизм» колхозларининг механизаторлари эса машина терими салмоғини 85-90 процентга етказиш ташаббусини бошлаб бердилар.

Шу кунларда машина теримига ҳамма нарса тахт қилиняпти. 180 та машина пахтазорларга олиб чиқишга шай турибди. Ҳосил етилган майдонларда ғўзани дефолиация қилиш ҳам бошлаб юборилди. Бу иш 54 та «ОВХ» пуркагичлари ёрдамида амалга оширилади. Машина теримига ажратилган барча майдонларни фақат трактор аппаратлари билан дефолиация қиламиз. Уруғлик пахта теримида эса камида 10 минг колхозчи иштирок этади. Районимиз пахтакорлари барча куч ва имкониятларни ишга солиб, пахта тайёрлаш планини 10 октябргача, социалистик мажбуриятларини эса 25 октябргача бажарадилар.

— Бу йил биз пахта сифатига алоҳида эътибор берамиз, — деди митингда сўзга чиққан Ленин номли колхоз раиси Н. Авазов. — Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини биринчи сортларга топширамиз. Ғўза дефолиациясини энг қулай агротехника муддатларида ва сифатли ўтказиш чораларини ҳам кўрмоқдамиз. Пахта тайёрлаш планини СССР Конституцияси куни — 7 октябргача бажариш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

«Ленинизм» колхозининг раиси А. Иброҳимов ўтган йили хўжалик пахтакорлари планни бажара олмай, давлатдан қарз бўлиб қолганларини айтди. Юбилей йилида доғни ювиш, қолоқликдан чиқиш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Далаларда етиштирилган ҳосилнинг чўғи чакки эмас. Уни тезроқ йиғиб-териб олиш учун машиналарга таяниб иш кўрилади. Механик-ҳайдовчилар ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан териб бериш мажбуриятини олдилар.

«Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари Қ. Қоражонов, Калинин номли колхоз раиси Р.Отабоева ва бошқалар ҳам йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш планлари ва олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Район пахтакорларини дастлабки қизил карвон билан оталиқ Янгийўл шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. Раззоқов ва мусобақадош Чиноз районидаги Навоий номли колхоз партия комитетининг секретари У. Мирсобировлар қизғин табрикладилар.

«Оқ олтин» ортилган карвонлар Янгийўл пахта тозалаш заводи томон йўл олади. Бу ерда уларни пахта тозаловчилар қизғин кутлайдилар.

Дастлабки куниёқ янгийўллик пахтакорлар қабул пунктларига 200 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширдилар. Бу 36 минг тонналик пахта хирмонининг муқаддимасидир.

**Э. ЭРНАЗАРОВ,**
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: Янгийўл райони пахтакорларининг қизил карвони.

Л. ГУСЕИНОВ фотоси.

## ТЕХНИКА ТАЙЁР

**● Бўка районининг колхоз ва совхозларида пахта териш машиналари ремонтига «аъло» ва «яхши» баҳо берилди.**

Бу ерда 433 терим машинаси мавсумга муддатидан илгари тахт қилиб қўйилди. Агрегатлар ҳосил терими туташи биланоқ устахоналарга келтирилиб, бу ерда ихтисослашган бригадалар томонидан ўз вақтида иш бошлаб юборилди.

Бошқа хил машиналар, тележкалар ҳам терим мавсумига тайёрлаб қўйилди. Район механизаторлари ҳосилнинг 86 процентини бункерлардан ағдаришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ

## ҲАР ДАЛАДА БИР ГРУППА

Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозида бу йил ғўза баргини тўкиш янгича ташкил этилган. Бу ерда ғўзаларга ишлов беришнинг группа методи қўлланилмоқда.

Илгари хўжаликда «ОВХ» агрегатлари тарқоқ ҳолда ишлатилар эди. Уларнинг ҳар бирига уч киши—тракторчи, заправкачи ва дори тайёрлаш учун сув келтириб турувчи машина ҳайдовчиси хизмат қиларди. Эндиликда тракторчилар икки группага ажратилган. Ҳар бир группа битта далада ишлайди, унга хизмат кўрсатувчи фақат икки киши бириктиб қўйилган. Меҳнатни бундай ташкил этиш колхозга дефолиацияни жуда кам меҳнат сарфлаб ўтказиш имконини берди. Лекин энг муҳими, бундай усул шу муҳим агротехника ишини ўтказиш суръатларига ижобий таъсир қилмоқда.

Колхоз механизаторлари группаларда ишлаб, ҳар бир далага тезроқ дори пуркаб чиқмоқдалар, бир картадан иккинчисига чаққонлик билан ўтмоқдалар. Тракторчиларнинг маҳорати ҳам қўл келмоқда, албатта. Улар бу йил мавсумда дефолиацияга алоҳида пухталик билан ҳозирлик кўрдилар. Уларнинг ҳар бири кунига нормадагидан уч гектар кўп — 13 гектар майдонда шу ишни бажармоқда. Ҳозир дефолиацияда банд бўлган колхоз механизаторларининг мусобақасида ишларни юксак агротехника даражасида олиб бораётган Абдувоид Абдураимов билан Абдуқодир Мирзабоев пешқадамлик қилмоқдалар.

Хўжаликда пахта териш машиналарининг ишлаши учун тезроқ кенг шароит яратиш мақсадида дефолиацияни ўтказиш муддатларини ғоят тиғизлаштириш кўзда тутилган. Пахта териш машиналари тўла шай қилиб қўйилган. Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда. «Зангори кема»лар пухта ремонтдан чиқарилган. Бу эса хўжалик меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлари бажарилишининг ишончли гаровидир. Социалистик мажбуриятларда гектар бошига 50 центнердан, яъни планга нисбатан 15 центнер кўп пахта олиш кўзда тутилган.

**(ЎзТАГ мухбири).**

## КПСС ТАРИХИНИ ЎРГАНУВЧИЛАР УЧУН

«КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ҳамда қарорларида» саккизинчи нашрига қўшимча маълумот берадиган янги том босмадан чиқди.

Бу китоб 14 томли бутун нашрнинг ҳужжатларидан фойдаланишни енгиллаштиради. У КПСС съездлари ва конференцияларнинг материалларини, Марказий Комитетнинг, маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти ҳақида, матбуот органлари — газета ва журналларда босиладиган ҳужжатларда, шунингдек географик номларда эслатиб ўтиладиган материаллар тўғрисидаги маълумотларни танлаб олишда аниқ кўрсатма беради.

Маълумот берувчи бу томни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ЙИҒИЛИШ

## ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАЙЛИК

7 сентябрь куни область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими 1984 йил пахта йиғим-терими кампанияси даврида меҳнаткашларга идеологик ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда район ва шаҳар партия комитетлари секретарлари, район ижроия комитетлари раиси ўринбосарлари, район партия комитетлари, пропаганда ва агитация бўлими мудирлари, район комсомол комитетлари секретарлари, область идеология ташкилотлари ва муассасаларининг, область ижроия комитети бўлим ва бошқарма раҳбарлари, касаба союзлари район комитетларининг раислари, шаҳар ва район газеталари редакторлари, район ижроия комитетлари маданият ва соғлиқни сақлаш бўлимларининг мудирлари, «Билим» жамияти район ташкилотлари раислари, район матлубот жамиятлари раислари иштирок этдилар.

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР ТУГАДИ

Университетлар халқаро уюшмаси семинари 7 сентябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Семинар иштирокчилари айрим мамлакатлар ва давлатлар группасининг экономикаси, фани, маданиятини ривожлантиришга университетларнинг таъсири масалаларини муҳокама қилдилар, амалий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қарорлар ишлаб чиқдилар.

Семинар олий таълимга, хўжалик барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлашга оид турли масалаларни ҳал этишда иш тажрибасини баҳам кўришга ёрдам берди, — деди Деҳли университети факультетларидан бирининг декани, профессор Бхим Сейн Шарма.

(ЎзТАГ).

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИРДАМЛИГИ

Ўзбекистон матбуоти, телевидениеси ва радиоси ходимлари журналистларнинг халқаро бирдамлик кунини нишонладилар. Редакция коллективларида бўлиб ўтган йиғилишларнинг қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажаришга журналистлар қўшаётган ҳисса тўғрисида, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун курашда уларнинг иштироки ҳақида гапирдилар.

7 сентябрь куни Тошкентда «Биз — интернационалистлармиз» мавзуида бўлиб ўтган кеча ана шу шонли санага бағишланди.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИ БОСМАХОНА

Олмалиқда янги босмахона фойдаланишга топширилди. Уни «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 349-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари бунёд этдилар. Янги босмахона газеталарни юксак сифатли босиш имконини берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда «Алмаликский рабочий» шаҳар газетаси, «Оҳангарон» район газетаси, шунингдек 2 та кўп нусхали — «За цветные металлы» ва «На стройке» газеталари босилади. Бундан ташқари, ҳар ойда 18 минг сўмлик бошқа полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Янги босмахонанинг очилишига бағишланган митингни Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов очди. 349-механизациялашган кўчма колонна сувоқчи-бўёқчиси Г. Валиева бинокорлар номидан рамзий калитни босмахона директори М. А. Душевскаяга топширди. Янги босмахона муқоваловчиси М. Холматова коллективнинг янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалари ҳақида гапирди.

Республика Полиграфия, нашриётлар ва китоб савдоси давлат комитетининг раиси С. Ш. Қурбонов янги полиграфия корхонаси ишчиларини, барча олмалиқликларни янги босмахонанинг очилиши билан табриклади.

Янги босмахонани фойдаланишга топшириш муносабати билан ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Э. Ғ. Ғофуржонов, СССР Госкомиздати коллегияси аъзоси Г. П. Сафронов, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева ҳамда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Э. Ш. Шодмонов иштирок этдилар.

## ВЕТЕРАНЛАРНИ ШАРАФЛАБ

РАЙОН партия комитетининг ёзги мажлислар зали байрам либосида, ранг-баранг паннолар, шиорлар бу ерда катта тантана бўлаётганидан гувоҳлик беради. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бугун Бекобод районида катта байрам. Область социал таъминот бўлими, меҳнат ва уруш ветеранлари советининг Бекобод райони бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига меҳнат ветеранларини шарафлашга бағишланган кеча ташкил этилди.

Тантанага бағишланган йиғилишни район партия комитетининг биринчи секретари Эгамназар Ҳатамов очди. Шундан сўнг сўзга чиққан район ижроия комитети раисининг ўринбосари, район меҳнат ва уруш ветеранлари советининг раиси Холтўра Деҳқонов Бекобод районида истиқомат қилаётган меҳнат ветеранларининг фидокорона меҳнатлари ва бугунги кундаги ишлари ҳақида гапирди.

Районда яшаб келаётган 2 мингдан ортиқ меҳнат ветеранларининг кўпчилиги колхоз ва совхозлар тузишда иштирок этди. «КПСС XXV съезди» совхозининг собиқ агрономи Владимир Гусаров хўжаликда пахта етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшди. Совхознинг тажрибали чорвадори Тилла Қозоқбоева эса ҳар бош соғин сигирдан ўз вақтида мўл сут соғиб олиб, донг таратди. Навоий номли колхознинг механизатори Аҳмад Норқўзиев. Дзержинский номли колхознинг собиқ раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуқодир Шуқуралиев, «Далварзин» совхози ишчиси Раимжон Болтабоев ҳам ана шундай фидокорлар сафида тилга олиндилар.

Йиғилишда сўзга чиққан партия ва меҳнат ветерани — ҳозирги кунда пенсияда бўлишига қарамай Бекобод районидаги консерва заводини бошқариб келаётган Исмоилжон ака Сотиболдиев иззат-ҳурмат учун катта миннатдорчилик билдирди.

— Мени ўқитувчилик қилаётганимга эллик йилдан ошди, — деди Ленин ордени нишондори Мирза ака Тожиев. — Бугунги кунда кўплаб шогирдларимиз районни социал-иқтисодий ривожлантиришда ҳисса қўшиб келаётганлигидан беҳад фахрланамиз.

Йиғилишда сўзга чиққан бошқа меҳнат ветеранлари ҳам доимо ёшлар билан бир сафда эканликларини изҳор этишди.

Меҳнат ветеранларини шарафлашга бағишланган учрашувда республика социал таъминот министрининг ўринбосари А. Д. Нарзиев, область социал таъминот бўлими бошлиғи С. Раҳматхўжаева ўртоқлар иштирок этдилар.

**Ф. МУҲИДДИНОВ.**

